

Сурхондарёда ўқитувчи ва шифокорлар учун 100 та уй-жой қурилади



Бугун Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов ушбу туманда бўлиб, жамоатчилик фаоллари билан биргаликда мазкур уй-жойларнинг тамал тошини қўйди ва қурилиш ишларига старт берди.

Ушбу уй-жойларни танлов асосида 50 нафардан жами 100 нафар самарали меҳнат қилиб келаётган, юртимиз ривожига ва аҳоли саломатлиги йўлида кўплаб шогирдларни етиштираётган ҳалол ва фидойи ўқитувчи ҳамда шифокорларга Президентимиз номидан совға қилинади.

Саховатпеша тадбиркор ўз маблағи ҳисобидан бунёд эталаётган кўп қаватли уй-жойларни 2024 йилнинг март ойида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.